

МОБИЛ КУТУБХОНАЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА КИТОБ МУТОЛААСИ



Фозила Рўзиева,
Алишер Навоий
номидаги
Ўзбекистон
Миллий
кутубхонаси
Адабиётларни
бериш ва
диспетчерлик
хизмати бош
мутахассиси

QR-кодлар
ёрдамида
кутубхона
тизимидаги
электрон
китоблар
тўғрисидаги
маълумотларни
махсус
таблolarга
жойлаштириб
жамоат
жойларида
ўрнатиш
режалаштирилган

The article provides information about the mobile library. Why and who needs a QR library? It is important to understand that the QR library is not a replacement for the full-text electronic library, but an image solution for attracting attention to reading. The QR library is created for young people, owners of mobile devices, fans of reading books in electronic format, active Internet users.

One of the first QR libraries was created in 2000 in the USA, in the city of San - Antonio, in the BiblioTech collection, where all the printed editions were converted into electronic format. This invention is a social project aimed at improving the acquisition of information. In many megacities of the world, in public places, such as subways, train stations, and even at bus stops, special equipment is installed to download information.

Ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртасида электрон китобларни мутолаа қилиш, айниқса, ёшлар ўртасида урфга айланган. Боиси бундай китоблар ўзининг қатор қулайликларига эга бўлганлиги сабаб маълум маънода босма кўринишдаги китоблар ўрнини эгаллаб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда анъанавий кўринишдаги китобларни электрон китобларга ўтказиш ҳамда рақамлаштирилган китобларни мобил қурилмаларга мўлжалланган дастурлар базасига киритиш устида иш олиб борилмоқда. Бунда QR-кодлар ёрдамида кутубхона тизимидаги электрон китоблар тўғрисидаги маълумотларни махсус таблolarга жойлаштириб жамоат жойларида, хусусан, вокзал, аэропортларнинг кутиш заллари, метро ва автобусларига ўрнатиш ишлари режалаштирилган. Бу орқали ўқувчи замонавий мобил қурилмалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда тез фурсатларда китобларни ўқиш ва электрон нусхаларни юклаб олиш имкониятига эга бўлмоқда. Хўш, шу ўринда савол туғилади. QR-код ўзи нима?

QR-код – инглизча «Quick Response» сўзларидан олинган бўлиб, «Quick» – тез, «Response» – жавоб, яъни «тезкор жавоб» маъносини англатади. Ушбу тизим илк бор 1994 йилда Япониянинг Денсо-Wave компанияси томонидан яратилган. У битта QR-код ичига

7089 та рақам, 4296 та рақам-ҳарф, иккилик санок системасида 2953 байт ёки 1817 та иероглифларни олиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу код бир вақтнинг ўзида иккита вазифани бажаради. Бунда биринчи вазифа турли хил маълумотларни автоматик равишда ўқиш имконини берса, иккинчиси кичкина расмда катта ҳажмдаги маълумотни (4296 та белгидан иборат иккита ёзма матнли варақда) жойлаштиради. QR-код – ўзи махсус тарзда кодланган маълум бир маълумот, яъни квадрат кўринишидаги тасвир. Бу оддий матн, интернет манзили, телефон рақами, расм, маълум бир жойнинг жойлашган ўрни ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Замонавий тасвирга олиш учун мўлжалланган телефонлар орқали квадрат кўринишидаги тасвир остида яширинган маълумотларни осон олиш имкониятини бермоқда. Бунинг учун телефон камерасини QR-кодга йўналтирган ҳолда, унда кодланган маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

Ҳозирда QR-кодни олиш учун жуда кўп дастурлар мавжуд. Улардан энг кўп тарқалган турларига iPhone қурилмалари учун ишлаб чиқилган Bakodo, Android тизимида ишловчи қурилмалар учун эса Barcode scanner дастури яратилган.

Шу ўринда QR-кодлардан фойдаланиш кутубхоналарга нима беради, унинг қандай қулайликлари борлигига эътибор қаратсак.

Биз тез-тез мурожаат этиб турадиган интернетдаги кўпгина файллар кўринишидаги

кўп сонли китоблар 2000 йиллардан бошлаб ҳақиқий виртуал китоблар сақланадиган маконни яратди. Мисол учун Америка қўшма штатларининг Сан-Антонио шаҳрида жойлашган китоблар BiblioTech фонди босма китобларнинг электрон шакли яратилган дунёдаги биринчи жамоат кутубхонаси ҳисобланади. Бу ерда электрон китобларни ўқиш учун юзга яқин (ридерлар) ўқувчи қурилмалар бор. Ҳар ким ўз қурилмалари билан BiblioTechга келиши ва унга сеvimли китобни юклаши мумкин.

Яна бир янгиликлардан бири бўлган метродаги биринчи электрон китоблар кутубхонаси эса илк маротаба Руминияда оммалашди. Мазкур ихтиролар китоб мутолаасини яхшилашга қаратилган ижтимоий лойиҳа сифатида уч ой мобайнида китоб муқовалари тасвирланган афишаларда асарларнинг QR-кодлари билан Бухарестдаги марказий станцияларнинг бирига жойлаштирилди. Кодлардаги ҳаволалардан фойдаланувчилар смартфон орқали руминиялик замонавий ёзувчиларнинг 50 дан ортиқ асарини бепул олиш имконига эга бўлишди. Бу китобларни тавсия этишнинг замонавий усули десак ҳам бўлади.

Бундан ташқари, дунёнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида QR-кодлар мавжуд. Улардаги махсус кодларни сканерлаш тизими орқали сайёҳлар мазкур ёдгорлик ва бинолар ҳақидаги барча маълумотлари билиб олиши мумкин. Хусусан, Украина сайёҳлик маркази – Львовда ана шундай QR-кодлар 80 дан ортиқ объектларга жойлаштирилгани билан эътиборга молик. Улар хорижий сайёҳларга мамлакат ҳақида маълумот бериш мақсадида Евро – 2012 турнирдан олдин ўрнатилган бўлиб, ушбу маълумотлар бугунги кунда ҳам ўзининг ўрнига эга.

Кейинчалик мобил алоқа компанияси томонидан дастлаб Киевда, сўнгра Житомир, Винница ва Одесса каби шаҳарларда ана



шундай мобил кутубхоналар яратилди. Шу билан бирга, мазкур компания томонидан Москва шифохоналарида даволанаётган болалар учун ҳам мобил кутубхона фаолияти йўлга қўйилди. Болалар ўзларининг шахсий қурилмалари орқали мобил кутубхонага бепул уланиши ва дастурлардаги 600 дан ортиқ китобларни ўқиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда болалар учун волонтерлар ҳам бириктирилган бўлиб, китоб танлашда беморларга ёрдам беришади. Бу эса бемор болажонлар учун энг яхши лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий китобларнинг босма нашрлари ва уларнинг электрон кўриниши ҳам ўз аҳамиятига эга ва талаб даражасидадир. Зеро, китобни қайси шаклда ўқиш эмас, мутолаа қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манба:

1. Онуфриенко Г.М. *Инновации в обслуживании читателей: зарубежный опыт [Электронный ресурс] : обзор // Библиотека в эпоху перемен. 2017. Вып. 1.*

2. <https://delo.ua>

3. <https://www.norma.uz>

4. *Маълумотларни QR кодга айлантириб берувчи бепул онлайн сайтлар: www.qrcoder.ru, www.qrmania.ru*

Китобхоналар учун яна бир янгиликлардан бири бўлган метродаги биринчи электрон китоблар кутубхонаси илк маротаба Руминияда оммалашди

Дунёнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида QR-кодлар мавжуд. Улардаги махсус кодларни сканерлаш тизими орқали сайёҳлар мазкур ёдгорлик ва бинолар ҳақидаги барча маълумотлари билиб олиши мумкин

Фозила Рузиева, главный специалист Диспетчерской службы и выдачи литературы Национальной библиотеки Узбекистана.

В статье даётся информация о мобильной библиотеке. Зачем и кому нужна QR-библиотека? Важно понимать, что QR-библиотека - это не замена полнотекстовой электронной библиотеки, а имиджевое решение по привлечению внимания к чтению. QR-библиотека рассчитана на молодежь, владельцев мобильных устройств и планшетов, любителей читать книги в электронном формате, активных пользователей интернета. QR-библиотека одной из первых была создана в 2000 году в США, в городе Сан-Антонио, в фонде BiblioTech, где все печатные издания были переведены в электронный формат. Это изобретение представляет собой социальный проект, направленный на улучшение получения информации. Во многих мегаполисах мира в общественных местах, таких как метро, железнодорожные вокзалы, и даже на автобусных остановках, установлено специальное оборудование для скачивания информации. ■